46 (480)
2005 йил 16 ноябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Бешинчи аркон учун имкон
▶ Ниначи нимага чиранади?

3
▶ Соғ муҳит — саломатлик гарови
▶ "Турар-жой танага таъсир қилади..."

4
▶ Қадимдан "сўзловчи" ...альбом
▶ Олов — дўст, олов — душман...

Ҳар бир одам ҳаётида бир умр ёдда қоладиган ҳаяжонли дақиқалар бўлади. Никоҳ тўйи — қалблар меҳр-муҳаббат, бўлажак бахтли турмуш ҳақидаги ширин орзулар, қувончли ташвишлар билан тўлиб-тошадиган ана шундай саодатли айёмдир. Наманган вилояти Уйчи туманида яшовчи келин-куёвлар — Ўзбекистон Қуролли Кучлари махсус бўлинмаси офицери Баҳодир Жўраев билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг юқори курс талабаси Ғолиба Жакбарова ҳаётида ўтган якшанба айниқса унутилмас кун бўлиб қолади...

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов бундан икки йил аввал Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўқув-машғулот маркази очилишида иштирок этиб, ушбу маросимда қатнашган Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти курсантлари билан суҳбатлашган эди. Самимий мулоқот чоғида Юртбошимиз уларнинг ўқишдаги муваффақиятлари, ҳаётдаги режалари тўғрисида ҳам оталарга хос ғамхўрлик билан сўраб-суриштирди. Ушанда суҳбат иштирокчиларидан бири — курсант Баҳодир Жўраев давлатимиз раҳбарини ўзининг бўлғуси никоҳ тўйига таклиф этганди.

Мана, ўша кун ҳам келди. Келин-куёвни кўплаб қариндош-уруғлари, дўстлари мустақил оилавий ҳаётга қадам қўяётганлари билан чин дилдан табриклади. Президент Ислом Каримовнинг уларга йўллаган табриги эса энг катта совға, давлатимиз раҳбарининг ёшларимизга кўрсатаётган доимий эътиборининг яна бир тасдиғи бўлди. Юртбошимизнинг табриги ва эсдалик совғаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Р.Мирзаев топширди. Улар давлатимиз раҳбари номидан икки ёшга ҳаётда оқ йўл, бахт ва омад тилади.

Келин-куёвлар эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик билдириб, бор куч ва билимларини мустақил Ватанимизга хизмат қилиш, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида сарф-лашларини изҳор этдилар.

Илҳом РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

— Яна нима дейди?
— Баҳодиржонни тўй ва совға билан муборакбод этинг, — дейди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ — ИТТИФОҚЧИ ДАВЛАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-15 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди

14 ноябрь куни Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида яккама-якка учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди. Президентлар ҳамкорлик кўлами муттасил кенгайиб, савдо-иқтисодий алоқаларга доир кўрсаткичлар ошиб бораётганини, ушбу ташриф ўзаро алоқалар тарихидаги муҳим воқеа бўлишини таъкидладилар.

Владимир Путин Ислом Каримовни Россияга ташрифи билан қутлар экан, ўзаро муносабатлар фаол ривожланаётганини қайд этди. Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз Россия билан ҳар томонлама равнақ топиб бораётган икки томонлама ҳамкорликни қадрлашини таъкидлади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп қиррали, ҳамкорлик барча йўналишларда ривожланиб бормоқда. Ўтган йили Президентлар етти марта учрашган эдилар, Россиядан Ўзбекистонга турли мақомдаги 32 делегация ташриф буюрди. Бу галги Москва музокараси эса сўнгги ярим йилдаги бешинчи икки томонлама учрашувдир.

Ислом Каримов ва Владимир Путин мулоқотида кўтарилган масалалар Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирилди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар халқ хўжалигининг қарийб барча тармоқларини қамраб олган. Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо-сотиқ, телекоммуникация, энергетика, суғурта, банк-молия соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида айниқса ёқилғи-энергетика мажмуидаги сармоявий ҳамкорлик диққатга сазовордир. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» ва «Газпром» очиқ акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон нефть-газ саноатига 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилишини кўзда тутади.

Иқтисодий доираларда бошқа кўплаб йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли йирик лойиҳалар режалаштирилаётгани қайд этилди.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, экология, умуман, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил мулоқотлар, яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Музокаралар чоғида Ислом Каримов ва Владимир Путин халқаро ташкилотлар, жумладан, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик мавзуига алоҳида тўхталдилар. Бу йўналишлардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини янада такомиллаштириш, алоқаларни кенгайтириш учун шароит яратиш, самарали механизмлар ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида Президентлар Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Россия Федерациясининг Наркотиклар айланишини назорат қилиш бўйича федерал хизмати ўртасида наркотик воситаларнинг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамда прекурсорларни назорат қилишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Маълумки, Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг октябрь ойида Санкт-Петербургда бўлган учрашувида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш учун имкониятлар етарли эканлигини ва бундай муносабатлар икки томон манфаатларига мос эканлигини таъкидлаган эди. Президентимизнинг бу таклифи қисқа муддатда ҳаётда ўз инъикосини топди.

Стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг мантиқий давоми бўлган мазкур ҳужжат икки мамлакат ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини иттифоқчилик тамойиллари билан мустаҳкамлайди. Шу тариқа Ўзбекистон ва Россия муносабатлари ўз тарихининг мутлақ янги даврига қадам қўймоқда. Москва учрашуви мамлакатларимизни янги, янада мустаҳкам ришталар билан боғлади, дейиш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки мустақил давлат ўртасидаги муносабатларни энг ишончли даражага кўтаришини, уларни максимал даражада яқинлаштиришини таъкидладилар. Ислом Каримов бу ҳужжат нафақат Ўзбекистон билан Россиянинг мудофаа соҳасидаги стратегик мақсадларига хизмат қилиши, балки ўзаро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш имкониятларини очиб беришини қайд этди.

15 ноябрь куни Президент Ислом Каримов «РУСАЛ» компанияси директорлар кенгаши раиси Олег Дерипаска билан учрашди. Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

ЎзА мухбири хабарлари асосида.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



Байроқ — Ватаннинг ёрқин тимсоли.

Мана, ўн тўрт йилдирки, давлатимиз байроғи не-не олиймақом ташкилотлар пештоқида, не-не нуфузли беллашувларда ҳилпираб, дунё аҳлига Ўзбекистон деган диёр мавжудлигини, бу диёрнинг ҳеч бир мамлакатдан кам эмаслигини дараклаб турибди. Унинг ҳилпирашига монанд қалбларимизда Ватанга меҳр, садоқат каби муқаддас ҳиссиётлар жўш уради, мавжланади.

Одамлар

МАҲАЛЛА ТАРБИЯЧИ БЎЛСА...

Инсоннинг онги шундай қудратга эгаки, уни заҳарлаш воситасида ҳамма ҳақиқатларни ҳам йўққа чиқариш мумкин. Шунинг учун ҳам биз ёшларимизнинг онги заҳарланмаслиги учун маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтаришимиз керак. Оммавий тарбия билан бир қаторда индивидуал тарбияга ҳам суянишимиз лозим.

Барибир барча тарбияларнинг бошида оила туради. Боладан дарсини сўраймиз, кечаги қилган ишини сўраймиз. Қаерга борганини суриштирамиз. Дастурхон атрофида бўладиган суҳбатларда Ўзбекистон қандай юрт ўзи, бу қадим элдан кимлар чиққан, ҳозирги кунда бизга ким дўсту ким душман, қандай муаммосию ютуғи борлиги ҳақидаги гаплар жуда кам айтилади. Ваҳоланки, бола онгига Ватанни шунчалик сингдириб юбориш керакки, онасини қандай суйса, юртни ҳам шундай суйсин. Унинг Ватанига кимдир кўл кўтарса, хиёнат қилса, юрагида арслон уйғониб кетсин!

— Маҳаллада бўладиган йиғин-тадбирларда кўпроқ бир хил одамлар иштирок этишади. Айнан эшитиши керак бўлган одам келмайди. Яқинда битта маҳалланинг иш фаолиятини ўрганган ишчи гуруҳи аъзолари менга қизиқ бир далилни айтишди. 2 нафар террористик гуруҳ аъзоси чиққан бир маҳалладаги маънавий-маърифий ишлар ўрганилибди. Қарангки, ўндан ортиқ "Огоҳликка даъват" мавзусида тадбирлар ўтказилибди. Лекин уларнинг бирортасида ҳам ўша икки оиладан одам қатнашмабди, ҳаттоки таклиф ҳам қилишмабди. Энг қизиғи, уларга қариндош-уруғ бўлганлар бу тадбирда бўлишмаган.

Ҳолбуки, айнан ўшалар онгига, улар оиласи аъзоларига хиёнатлар ичида энг қабиҳи Ватанга хиёнат эканлигини, Ватан — Она, Онага қўл кўтарганларнинг икки дунёси ҳам куйиб кетади, деган тушунчаларни сингдириш лозим.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Воқелик ва тафсилот

„ЙЎҚ ОДАМ" НИНГ ДЕГАНЛАРИ...

Аслида бу мақолани "Дўлтабўри" ва "Туяқуш"дан сўнг "Ниначи" деб қўймоқчи эдик. Аммо бу сарлавҳалар шундоқ ҳам баъзи бир одамларнинг шаънларига оғир ботиб кетаётганлиги ва ўзларини ҳақоратлангандек ҳис қилганлари важидан ўзлари мансуб қавм орасида турфа фисқ-фужурларни тарқатиб юрганликлари учун, бошқа бир томони эса каминани "Йўқ одам"га чиқаришларига бир баҳя қолганлиги ва азбаройи бир хилликдан қочиб бу мақола юқоридагидек номланди. Сарлавҳани бошда нега "Ниначи" атамоқчи бўлганимизни эса таомилга кўра мулоҳазалар охирида баён қилармиз...

Айрим хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларининг тасаввуридаги "демократия", "инсон ҳуқуқлари" деган тушунчалар шу қадар "нозик", "сирли" эканки, уни англаб олишга ҳаракат қилган биз каби "ғариб тасаввур ва дунёқарашга" эга маҳаллий журналистлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас экан. Мақола аввалиданоқ дабдурустдан иддаога ўтганимиз сабабини сабр-қаноат билан ўқиб чиқсангиз, тушуниб етарсиз. Гап шундаки, каминаи камтарин "Моҳият" газетасининг 11 ноябрь кунги сонида "Туяқуш" сарлавҳали мақолани битган эди. Унда ўзимизнинг "ожиз" тасаввуримизча "Фергана.Ру" Интернет сайти орқали шу йилнинг 9 ноябрь куни эълон қилинган, ғоят дабдабали ном — "ҳақиқат учун қасос" дея аталган мақола юзасидан фикр юритган эдик. Андрей Кудряшов муаллифлик қилган бу мақолада гўёки "фақатгина ҳақиқатни ёритгани", "Андижон воқеалари қатнашчилари устидан бораётган суд мажлисида ўз муносабатларини билдиргани" учун "Фергана.Ру" агентлиги мухбири Алексей Волосевични калтаклаб, башарасига ва хонадони йўлакларига турфа ўчмас бўёқларни чаплаб кетишгани тилга олинади... Хуллас калом "Туяқуш" номли мақолада бу ҳақдаги ўз фикрларимни баён этганман. Албатта, фикрлар осмондан олиб ёзилмаган.

Давоми 2-саҳифада

Қашқадарё вилояти

ЖЕЙНОВДА БОЛАЛАР СПОРТИ МАЖМУАСИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз Президенти бу борада олдинда турган кўплаб вазифалар хусусида тўхталди.

Қашқадарё вилоятида ушбу йилда шаҳар ва қишлоқларда ўндан ортиқ болалар спорт мажмуалари қад кўтарди.

Ўтган ҳафтада Миришкор туманидаги Жейнов хўжалигида яна бир янги, замонавий болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хўжалик ҳисобидан 400 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб бунёд этилган бу масканда қишлоқ болаларининг турли спорт секцияларида шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда бир вақтнинг ўзида болалар спорт мактаби ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими Н.Зайниев, хўжалик раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони М.Саидов, 115 ёшли отахон А.Авазов ва бошқалар болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятини эътироф этдилар.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раёсати йиғилишида

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ: ЮТУҚЛАР КЎП, МУАММОЛАР-ЧИ?..

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг 2005 йилнинг 9 ойи давомидаги фаолияти якуни ҳамда "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳақида бошқарув раиси Аъзамжон Гадойбоев маъруза қилди. Маърузачи жамғарма республика бошқарувининг 2005 йил 8 февралда бўлиб ўтган пленумида тасдиқланган йил учун мўлжалланган режа-тадбирлар ҳамда "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурининг белгиланган бандлари ижроси юзасидан жорий йилнинг 9 ойлик натижалари ҳақида ахборот берди. "Сиҳат-саломатлик йили" дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бўлим ва бўлинмалари томонидан давлат, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда фуқароларнинг ўз соғликларини асрашга масъулият билан ёндошишларини тушунтириш, маҳалла аҳлининг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, атроф-муҳит тозалиги ва ободончилигига, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш каби ишларга катта эътибор қаратилган. Дастурнинг ўтган 9 ой давомидаги ижроси бўйича жамғарма тизимида қилинган жами сарф-харажатлар 2 млрд. 746 млн. сўмни ташкил этди.

Йиғилиш кун тартибида тизим нашри бўлган "Mahalla" газетасига 2006 йил учун обуна уюштириш хусусида бошқарув раиси А.Гадойбоев маъруза қилди.

— Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси тизими ходимлари, шунингдек, маҳалла фаолларининг юртимиздаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлардан, янгиликлардан ва амалга оширилаётган ислоҳотлардан ўз вақтида хабардор бўлишларига кўмаклашиш, хусусан, барча маҳаллалар аҳолисини юртимиздаги ва дунёдаги воқеа-ҳодисалардан хабардор қилиш мақсадида турли даврий нашрларга обуна бўлиш устивор вазифа деб ҳисобланади. Шу мақсадда 2006 йил учун "Mahalla" газетасига обунани ташкил қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Лекин ишлаб чиқилган чора-тадбирларни ҳаётга тадбиқ этишда жамғарма бўлим раислари сусткашликка йўл қўймоқдалар. Масалан, 1 ноябрь ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикасида, Жиззах, Хоразм вилоятларида газетага обуна кўрсаткичи жуда паст. Бу ҳолат жойларда жамғарма ва йиғинлар фаолиятида бу нашрдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилишдир. Яна шуни таъкидлаш жоизки, "Mahalla" газетаси кириб бормаган фуқаролар йиғинлари юртимизда амалга оширилаётган "Кучли давлатда кучли жамият сари" тамоилини ҳаётга тадбиқ этилиши тажрибасидан четда қолаётганлиги, йиғин раисларининг ўз лавозим вазифасига ўта масъулиятсизлиги билан муносабатда эканлигини кўрсатади, — дея таъкидлади маърузачи.

Шунингдек, раёсат мажлисида жамғарма бўлим ва бўлинмаларининг молиявий-хўжалик фаолияти ҳам муҳокама этилди.

Йиғилиш сўнгида ахборотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб раёсат йиғилиши тегишли қарорлар қабул қилди.

МУХБИРИМИЗ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R » — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВЕНЕСУЭЛА-МЕКСИКА: НИЗО БАРҲАМ ТОПМОҒИ ЛОЗИМ

Лотин Америкасидаги иккита йирик мамлакат — Венесуэла билан Мексика ўртасида низо чиқди. Хабарларга кўра, куни кеча Венесуэла ҳукумати Мексикадаги элчиси Владимиро Вилегасни ўз юртига чақириб олган.

Ўзаро зиддият Америка давлатларининг минтақавий саммитидан сўнг юзага келди. Саммит ўтган ҳафтада Аргентинанинг Мар-дел-Плата шаҳрида ўтказилди. Унда Лотин Америкаси давлатлари билан бир қаторда АҚШ делегацияси ҳам иштирок этди.

АҚШ мазкур саммитда Америка қитъасида эркин савдо зонаси яратиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланишига умид қилганди. Бироқ, Жанубий Америка умумий бозорига аъзо давлатлар (Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай) ҳамда Венесуэла бу ташаббусга кескин қаршилик билдирди. Айниқса, Венесуэла президенти Уго Чавес Жорж Буш бошлиқ Оқ уй маъмурияти бу борада кўпроқ ўз манфаатини кўзлаётганини қаттиқ қоралади. У бундан аввал ҳам АҚШ ҳукумати юргизаётган сиёсатни кўп танқид қилган, ўзаро келишмовчиликлар боис, сўнгги йилларда АҚШ-Венесуэла муносабатлари боши берк кўчага кириб қолган эди. Саммитда ана шу совуқ муносабат яққол сезилиб турди.

Лотин Америкаси минтақасида Венесуэлага хайрихоҳ давлатлар талайгина. Аммо унга қўшилмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Аргентинадаги музокараларда Мексика президенти Висенте Фокс Венесуэла раҳбари тутган йўлни ёқламаслигини очиқ-ошкор маълум қилди. Унинг фикрича, Венесуэла билан АҚШ ўртасидаги совуқчилик бутун минтақага таъсир кўрсатмаслиги керак. Уго Чавес бунга жавобан мексикалик ҳамкасбини АҚШга мутеликда айблаб, ҳақорат қилишдан ҳам тап тортмади.

Мексика ҳукумати Уго Чавесдан президент шаънига ҳақоратли сўзлар айтгани учун кечирим сўрашни талаб қилмоқда. Аммо, Венесуэла раҳбари кечирим сўрайдиганга ўхшамайди. Аксинча, у яна аччиқма-аччиқ ҳаракат қилишга ўтди, биринчи галда Мексикадаги элчисини чақириб олиш ҳақида буйруқ берди. Унинг фикрича, ўзаро муносабатлардаги инқирозга аввало Висенте Фокс сабабчи.

Венесуэла билан Мексика ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг бузилиши минтақадаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга ҳам салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди. Лекин кузатувчиларнинг фикрича, ҳозир томонлар бир-бирига ён берадиган, бир-биридан кечирим сўрайдиган кайфиятда эмас. Шунга қарамай, иккала мамлакат ҳам қандай бўлмасин зиддиятни юмшатишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА шархловчиси.

МУБОРАК САФАР ТАРАДДУДИ

Истиқлол шарофати ила юртимиз фуқаролари том маънодаги диний эркинликларга эга бўлдилар. Миллий ва диний қадриятларимизга Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан берилаётган алоҳида эътибор ҳамда кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли юртимиз мусулмонлари муқаддас динимизнинг барча арконларини эркин адо этиш имкониятига эга бўлдилар. Шу кунларда исломнинг бешинчи фарзи — муборак Ҳаж сафарини адо этишга тараддуд кўрилмоқда. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Шоазим МИНОВАРОВ билан суҳбати ушбу мавзуда бўлди.

— Ҳақиқатдан ҳам, аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қиладиган юртимиз Истиқлолга эришганидан сўнг дин ва диний-миллий қадриятларимизга муносабат тубдан ўзгарди, — дейди Ш.Миноваров. — Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан миллий ва диний маданиятимиз, эътиқодимиз билан боғлиқ осориатиқалар таъмирланиб, мусулмонлар ихтиёрига топширилди. Биз авлодлари эканимиздан фахрланадиган, бутун жаҳон маданияти ва маънавиятига ҳисса қўшган уламолар ва азиз-авлиёларнинг хотиралари қайта ёдга олинди, уларнинг қадамжоларини обод қилиш давом этмоқда. Мустақил республикамизда 2000 дан ортиқ масжид, 10 та мадраса, Тошкент ислом университети ва Тошкент ислом институти фаолият юритмоқда. Мусулмонлар ва уларнинг оила аъзолари диний амалларни бемалол адо этмоқдалар, диний ва дунёвий билимларни эгалламоқдалар. Ўзбекистон нафақат дунё ҳамжамиятининг, балки халқаро мусулмон мамлакатлар оиласининг ҳам тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб танилди.

Ҳар йили минглаб ватандошларимиз Ҳаж ва Умра сафарларини энг қулай шароитларда амалга оширмоқдалар. Жорий йилда ҳам 2000 мингдан зиёд ватандошларимиз муборак Умра сафарига бориб келдилар. Айни кунларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Ҳаж сафари тараддудини бошлаб юборди. Бўлажак ҳожиларнинг рўйхатлари вилоятлар бўйича тузиб бўлинди, улар тиббий кўрикдан ўтказилмоқдалар ҳамда сафар учун зарур ҳужжатларни расмийлаштирмоқдалар.

— Шоазим ака, Ҳаж сафари харажатлари ва зиёратчиларнинг рўйхатларини тузиш тартиби тўғрисида газетхонларимизга маълумот берсангиз.

— Сафар чоғида Саудия Арабистони ҳудудида автобусларда ҳаракатланиш, меҳмонхоналарда, Мино ва Арафотда чодирлар шаҳарчаларида истиқомат қилиш, қурбонлик, муборак қадамжоларга зиёратлар учун жаъми харажатлар минг Америка долларини ташкил қилади. Ушбу маблағ Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги тасдиқлаган ширкат ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. Бўлажак ҳожилар шунингдек, авиачипталар, зардоблаш, Ҳаж ибодати қўлланмасини нашр этиш, ўзлари билан олиб юрадиган махсус шахсий нишон-белгиларни тайёрлаш харажатларини ҳам тўлайдилар. Шундай қилиб, жорий йилда Ҳаж сафари билан боғлиқ барча харажатлар миқдори 2 миллион 520 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Амалдаги тажрибага кўра, зиёратчиларнинг рўйхатлари вилоятлар тамойилига кўра шаклланади. Айрим сабабларга кўра аризаларини кечиктириб топширган фуқаролар кейинги йил мавсумида биринчилар қаторида рўйхатга киритиладилар.

— Айрим нохолис оммавий ахборот воситалари ёки интернет саҳифаларида гўёки арзонроқ нархларда қўшни мамлакатлар орқали Ҳаж сафарига йўл олаётган ёки боришни истаётган "ўзбеклар" тўғрисида маълумотларни учратиб қолиш мумкин. Бу ҳақда нима дея оласиз?

— Аниқ айта оламанки, Ҳаж сафарига борадиган республикамизнинг барча фуқаролари "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг махсус рейсларида Саудия Арабистонига элтиб қўйилади ва қайтариб олиб келинади. Қўшни мамлакатлардан Ҳаж сафарига бораётган "ўзбеклар" деганда, кўпроқ ўша мамлакатларда истиқомат қилувчи этник ўзбекларни тушуниш тўғрироқ бўлади.

Харажатларнинг арзонроқлиги масаласига келсак, Ҳаж зиёратидек муҳим тадбир сайёҳлик ширкатлари ихтиёрига топшириб қўйилган мамлакатларда зиёратчиларни алдаш, жумладан, уларни Саудия Арабистони чегарасигагина олиб бориб, озиқ-овқат, турар-жой муаммоларини ҳал этмай ўз ҳолларига ташлаб қўйиш ҳисобига нисбатан арзон баҳолар тўғрисида эшитганмиз. Мамлакатимиз зиёратчилари томонидан Ҳаж сафари билан боғлиқ барча масалаларнинг тўлиқ ва юқори даражада ташкил қилингани учун тўланадиган маблағ халқаро меъёрлар бўйича ўртача ҳисобланади.

Бўлажак ҳожиларимизнинг Ҳажлари муваффақиятли ўтишини, оилалари ҳамда юртимизнинг тинчлиги, фаровонлигини сўраб Парвардигорга илтижолари қабул бўлишини тилаймиз.

Фаррух БЎТАЕВ
суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган жиноят ишининг бир қисмини ва дастлабки тергов якунларини кўриб чиқиш бўйича суд жараёни ниҳоясига етди.

Мазкур жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислигида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари Воҳид Назаров ва Йўлчибой Турсунбоевдан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилди.

14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси (жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш), 155-моддаси (террорчилик), 159-моддаси (Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига тажовуз), 242-моддаси (жиноий гуруҳ ташкил этиш), 244-моддаси (оммавий тартибсизликлар), 244-1-моддаси (жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига хавф туғдирувчи материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш), 244-2-моддаси (диний экстремистик, ақидапарастлик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларни тузиш, раҳбарлик қилиш, иштирок этиш), 247-моддаси (ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки мосламаларни ноқонуний йўл билан эгаллаш), 132-моддаси (тарихий ёки маданий ёдгорликларни йўқ қилиш, вайрон этиш, уларга шикаст етказиш) ва бошқа моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланаётган Мўйдин Собиров, Фарҳод Ҳамидов, Аваз Турғунов, Таваккалбек Ҳожиев, Алишер Ҳакимов, Ғулом Нодиров, Азизбек Юсупов, Абдубоис Иброҳимов, Муҳаммадшокир Ортиқов, Илҳом Ҳожиев, Валижон Эргашев, Лочинбек Имонқулов, Жаҳонгир Бурҳонов, Ҳусан Туропов ва Абдулҳафиз Ғозиевга нисбатан суд ҳукми эълон қилинди.

Суд жиноят иши материалларини ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиб, судланувчиларни юқорида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбдор деб топди.

2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган судланувчиларга нисбатан жазо чораларини белгилашда суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят қонунчилигида белгиланган инсонпарварлик ва адолат тамойилларига асосланди.

Хусусан, судланувчиларнинг содир этган жиноятлари учун чин кўнгилдан пушаймон эканлиги ва жиноий қилмишларни фош қилишда фаол ёрдам берганликлари эътиборга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 15 нафар судланувчини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича айбдор деб топди ва М.Собировни — 20 йил, Ф.Ҳамидовни — 20 йил, А.Ҳакимовни — 20 йил, А.Юсуповни — 14 йил, Х.Туроповни — 16 йил, А.Ғозиевни — 20 йил, А.Иброҳимовни — 17 йил, А.Турғуновни — 16 йил, М.Ортиқовни — 17 йил, Л.Имонқуловни — 14 йил, Ж.Бурҳоновни — 14 йил, В.Эргашевни — 14 йил, Ғ.Нодировни — 18 йил, Т.Ҳожиевни — 17 йил ва И.Ҳожиевни — 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Суд томонидан юқорида кўзда тутилган жиноятлар туфайли етказилган моддий зарарни қоплаш тартиби белгиланди.

Шунингдек, мазкур жиноий иш бўйича судга раислик қилувчи томонидан судланувчиларга ва бошқа томонларга ҳукм устидан шикоят қилиш тартиби ва муддати тушунтирилди.

Ушбу очиқ суд жараёнини юздан зиёд чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, шунингдек, дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар вакиллари кузатиб борди.

ЎзА

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили



II МАХСУС ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ

II ва 14 ноябрь кунлари Тошкентда ақли заиф ва имконияти чекланган болалар ўртасида Марказий Осиё давлатларининг II махсус олимпия ўйинлари ўтказилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар ва Миллий олимпия қўмиталари, «Sen yolg'iz emassan», «Меҳржон», «Соғлом авлод учун» ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари томонидан бир нечта халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

II махсус олимпия ўйинларида юртимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Россиядан, жаъми 350 нафардан зиёд спортчи иштирок этиб, спортнинг баскетбол, футбол, енгил атлетика ва стол тенниси турлари бўйича беллашдилар.

Футбол мусобақаларида пойтахтдаги 85-мактаб ва 105-интернат вакиллари, шунингдек, Самарқанд вилояти вакиллари ўз гуруҳлари ғолиби бўлишди. Тошкентдаги 60-мактаб ва россиялик иштирокчилар баскетбол ўйнашда ҳаммадан маҳоратли эканликларини баҳслар давомида намойиш этишди ва ўз гуруҳларида ғолибликни қўлга киритишди. Енгил атлетиканинг жойида туриб узунликка сакраш йўналишидаги баҳсларда навоийлик, тошкентлик ва сирдарёлик ёш спортчиларимиз гуруҳ ғолиби бўлишган бўлса, меҳмонлардан Қозоғистон, Тожикистон вакиллари гуруҳларда биринчи бўлишди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда эса қашқадарёлик С.Бегнаева, самарқандлик Б.Расулова ва пойтахтлик М.Олимбекова ва С.Раҳматуллаевалар муваффақият қозонишди.

Шунингдек, югуриб келиб узунликка сакраш, ядро улоқтириш, 50, 100 ҳамда 200 метрга югуриш баҳслари ҳам жуда қизиқарли ва қизғин кечди.

Умуман олганда бу тадбир, "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури қабул қилиниши билан юртимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортни ривожлантириш, келажак авлодни жисмонан ва руҳан баркамол этиб тарбиялаш борасида кенг кўламда олиб борилаётган амалий тадбирлар қаторидан ўрин олди.

МУХБИРИМИЗ
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Воқеалик ва тафсилот

„ЙЎҚ ОДАМ" НИНГ ДЕГАНЛАРИ...

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ушбу мақола эълон қилингач, "Озодлик" радиосининг "тезкор" ва "чаққон" журналистлари дарҳол одатдаги "касб"ларига шўнғишиб, ўзларининг Интернет сайти орқали "Туяқушнинг эгаси топилмади" номи билан мақола эълон қилишди. Гўёки Шайбон тахаллуслик бир мухбир мен ҳақимда маълумот олишга ҳаракат қилгани, шу боис "Моҳият" газетасига қўнғироқ қилгани, бироқ мен ҳақимда ҳеч ким ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги, мақолани қаёқдан ва ким олиб келганини фақат бош муҳаррир билишини айтишган эмиш. Сўнгроқ эса "Туяқуш"нинг муаллифи топилмади, дея жар солинади. Шундай қилиб, гувоҳи бўлганингиздек, мен, яъни Бахтиёр Абдураҳимов табиатнинг "Бордан йўқ бўлмайди" қонуниятига ғирт тескари равишда "йўқ одам"га айланиб улгурдим. Ўлай агар, одамга жуда алам қилиб кетаркан, фақатгина "ҳақиқатни" ёритувчи, "демократик" принципларга асосланиб фаолият юритгувчи "Озодлик" радиоси мухбири у кишим излаган вақтларида дарҳол топилмасанг ёхуд "тақсир"нинг ҳузурларига эълон қилган мақоланг учун жавоб беришга барча юмушингни ташлаб, ҳатто йўқлашларини ҳам кутиб ўтирмасдан югуриб бормасанг "мавжуд бўлмаган одам"га айланиб кетишинг ҳеч гап эмас экан. Қойил қолдингизми?..

Энсанг қотадики, мақолани таҳририятга қачон ва кимга топширганинг ҳақида қайсидир ташкилот аъзоларига маълумот бериш керак деган тушунча қаердан пайдо бўлган ўзи? Савол туғиладики — боринг ана — ўша "Озодлик" радиосида эълон қилинган қайси бир чиқишни мен суриштирдим ёки муаллифини сўроққа тутмоқчи бўлдим? Умуман, билдирилган эркин фикринг учун жавоб беришинг керак деган қонун-қоида қайси демократик давлатда мавжуд экан? Ёки бундай "ваколат" фақатгина "Озодлик" радиоси мухбирларига берилганми? Инсоф билан айтганда — ким бу ерда "Ит ҳурар, карвон ўтар" нақлига амал қилдию бошқа яна ким нақл қаҳрамони "рол"ини ўйнади? Хуллас, ўйлайверсанг, бу каби саволлар миянгда ғужғон ўйнайверадики, бош-адоғи йўқ. Яккаш жавобга келганда эса — аслида бизни "гиламга чақиргувчилар" жавоб бериб ўтиришга арзийдими-йўқми — шу масала сал бахсталаброқ.

Тафсилотларга келсак, 11 ноябрь куни "Туяқуш" сарлавҳали мақола эълон қилинган куннинг ўзида — соат эрталаб 10 яримларда "Моҳият" газетасининг **штат асосида фаолият юритаётган мухбири** *(таъкид бизники — муаллиф)* — Беҳзод Бозоров қўл телефонимга қўнғироқ қилиб, мақола юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Айтмоқчиманки, Б.Бозоров мен ҳақимдаги барча маълумотларга эга. Қаерда ишлашим-у яшашимни, телефон номерларимгача яхши билади. Нечукким, "Озодлик" мухбири "Моҳият" газетасидан мени суриштирганда "ҳеч ким ҳеч қандай маълумотга эга бўлмай" қолган. Бу эса ул жанобнинг яратажак улкан "кашфиётларига" қулайгина имкон берган.

"Йўқ одам"га айланган кунимдан бошлаб, бот-бот ойнага қарайдиган, шу пайтгача эътибор қилмаганим — ўзимга синчковгина назар ташлайдиган бўлиб қолдим. Ҳар ҳолда унчалик ҳусндор бўлмасак ҳам, эл қатори одам эканмиз, дўстларим, ҳамкасбларимнинг каминани таниётгани, суҳбатлашаётгани анча таскин беряптики, ҳартугул яшаяпман, мавжуд эканман.

"Озодлик"нинг Интернет сайтидан ўрин олган мақоладаги яна бир жиҳат кишини баттар ажаблантиришга, ажаблантириш не — хохолаб кулишга мажбур қилади. Яъни, мақолада "Хьюман райтс вотч" ташкилотининг Ўзбекистондаги вакиласи Алисон Гилл А.Волосевич билан бўлган воқеани "А.Волосевичнинг ўзи уюштирди дейиш уят"лигини таъкидлагани ёзилади.

"Андижон воқеаларидан сўнг Ўзбекистонда журналистлар учун мутлақо чидаб бўлмас вазият юзага келди. Биз ҳаммаси шу билан кифояланса керак, деган ўйда эдик, аммо Волосевич воқеаси адашганимизни кўрсатди", дея А.Гиллга таяниб маълумот берилади.

А.Гиллнинг юқоридаги фикридан кейин ҳам журналист сифатида, ҳам холис бир киши сифатида дўппини бошдан олиб ўйлаб қоласан... Ўзларини "хўрланганлар", "таҳқирланганлар" қиёфасида намоён этаётган "демократлар" учун боз яна қандай шарт-шароит яратиш керак?.. Жавоб ҳам ўз-ўзидан келади: бундан кейинги ёзиладиган мақолаларни, бирор-бир воқеа юзасидан турли хилдаги фикрлар ҳамда мулоҳазаларни ўша "демократлар"га олиб бориб кўрсатиб, уларнинг "доно", "энг холис", "демократик нуқтаи назардан" билдирган фикрларини дарҳол бир жойга қоралаб қўйиш, атрофдаги реал воқеликдан осонгина юз ўгириб, фақат уларнинг ноғорасига ўйнаш, ёқтирган ашулаларини айтиш. Худди улар хоҳлаганидек, ўзгиналари намуна кўрсаётгандек хорижлик "ғамхўр ва биз учун жон куйдираётган" акахону опахонларнинг саховатпешалик ила узатаётган мурувватларидан бенасиб қолмаслик... Шунда ҳам барибир, "маҳаллий журналист" бўлганинг, ёки маҳаллий нашрларда мақола эълон қилганинг учун бир "нуқсонингни" топиб, "фаришта" эмаслигинни юзингга солиб, "валинеъматларнинг" тўлақонли юксак ишончини оқлаётганлигингга ул жанобларининг кўнгли тўлмай, муддао — таънадашномни бисёр ёғдириш бўлса керак.

Кун сайин дўппи дегани тор келиб, минг бир йўлга йўрғалаётган бу "мўътабар зотларнинг" дидига, кўнглига қараш, аниқроғи, юракларига йўл топа олиш шу қадар нозик масалаки, бор мехринг билан "тақсир"га худди саломга яраша аликдек муомалада бўлсанг-да, чакак ўлгур тинмай, иддаодан нарига ўтмасалар...

Энди туппа-тузук ишлаб юрган одамни "демократик принциплар" асосида, суриштирмай-нетмай топилмади, деб, йўққа чиқараёзганларини кўриб, кўнгилдан кечган бошқа бир мулоҳазаларни баён қилсак.

"Моҳият" газетасида эълон қилинган "Туяқуш"дан сал олдинроқ — "Маҳалла" газетасининг 2005 йил 2 ноябрь кунги сонида чоп этилган "Дўлтабўри" мақоласи сўнгида бир фикр айтилгандики, ҳар шаллақи мухбирваччалар борки, уларнинг олдида ўша мақола "қаҳрамони" бўлмиш Би-Би-Си агентлиги мухбирлари "тўйга боргудек" деган маънода. Биз атайлаб уларнинг номларини шу пайтгача келтирмай юрдик, атайлаб бирор жойда ҳам бу "муборак рутба"га доғ тушмасин деган маънода иш қилган эдикки, мана энди — ўша шаллақилар "лоп" этиб ўзгиналари кўриниш бериб қолдилар. Сезиб турибмиз — бу гаплар ўшал "нозиктаъбларга" ёқмаяпти, бу гаплар яна у кишимларнинг "тутаб кетишлари"га сабаб бўлиши мумкин. Аммо наилож — энди айтмасак бўлмас. Маълумот ўрнида айтиш керакки, душанба — 14 ноябрь куни "Озодлик" радиосининг ўзини "Шайбон" деб таништирувчи, асли исми-шарифи Хусниддин Қутбиддинов бўлган мухбири қўнғироқ қилиб, мен билан алоҳида "гаплашиб олмоқчи" эканлигини айтди. Агар у жаноб каминани гўёки "йўқ одам"га чиқарган мақоласини эълон қилмай туриб, мен билан гаплашганида балки бу қўнғироқни тушунса бўлар эди. Ва ниҳоят энди менинг борлигимга ишонибдилар-да, йўқса, тўйдан олдин ноғора қоқиб, алаканинг итидек ўзни ҳар ёққа уришдан мурод не эди, деган истеҳзо пайдо бўлади.

Бундан олдинроқ — "Дўлтабўри"дан кейин ўзини Муҳиддин деб таништириб, Би-Би-Синнинг Чимкентдаги мухбири эканини айтган биттаси қўнғироқ қилиб "Мақолани эълон қилишдан олдин биз билан маслаҳатлашсангиз бўлар эди" деган, мен "Сиз мақола ёзаётганингизда қачон биздан сўраб ўтиргандингиз?" деганимда тап тортмай "Бизнинг йўналишимиз, йўриғимиз ўзгача" дея асл мақсадини без бўлиб очиқ-ошкор айтиб қўя қолган эди. Ўша Муҳиддинни ёзғирмоқчи эмасман-ку, аммо ўша "дангалчиси" ҳам ҳартугул мени топган, "йўқ одам" деб эълон қилмаганди.

Айтиб қўйишим лозим — мен 12 ноябрь куни "Озодлик" ваколатхонасига қўнғироқ қилдим, ўзини Садриддин деб таништирган ходимдан Шайбонни сўраб, у кишим шанба куни боис "ҳордиқ ёзаётганларини" эшитганимдан сўнг ўз номимдан баёнот бердим ва буни раддия сифатида "Озодлик"да эълон қилишни сўрадим. Аммо на овозимни эфирга беришди, на икки оғиз раддияга лозим топишди. Саводсизлик, пала-партишлик ошкор бўлганда бу каби раддияни бериш шарт эканлиги журналистик этикага киришини эслатиб ҳам қўйишим мумкин бу тахлит "билимдонлар"га...

Шу ўринда эслатма тарзида қонуний бир ҳақиқатни таъкидлаш керакки, бу Шайбон деганлари (яъни Хусниддин Қутбиддинов) хорижий оммавий ахборот воситаси мухбири сифатида ташқи ишлар вазирлиги аккредитациясидан ўтгани йўқ. Шу сабабдан ҳам аслида у бирор-бир расмий идорадан "Мен "Озодлик" мухбириман" деб маълумот беришни даъво қилишга, боз устига дағдаға қилишга на ҳаққи, на ҳуқуқи бор. Ҳалиям бизнинг идоралар сал соддароқ эканми, бу "шоввоз"нинг мушугини биров "пишт" демай, берилган саволига жавоб бериб ўтиради...

Шундай қилиб, яна менинг "йўқ"лигимга келсак, мен — Бахтиёр Абдураҳимов — Ўзбекистон телевидениеси "Ахборот" дастури мухбириман. Ва яна алоҳида таъкидлайманки, мен Андижон фарзандиман. (Агар тахаллус жуда зурур бўлиб қолса, мен — **Шайбон** эмас, **Бобурий** бўламан.) Ягона "айб"им шуки, матбуотдаги мақолаларда — дейлик "Шайбон" ва ёки "Аштархон" деган тахаллуслар билан эмас, ўз номим билан имзо чекдим. Аслида тахаллус қўйиш ҳеч ерда таъқиқланмаган, лекин масаланинг бир нозик жиҳати борки, кимдандир кўрққандек тахаллус қўйиш — бу энди марднинг иши эмас.

Мақола сўнгида масалларда кўп учрайдиган бир ҳолатни эсламоқчиман: ҳали бу аламзадалар, тирноқ тагидан кир қидирувчилар "дум"ини кўп кўтариб, нағмалар кўрсатишса керак. Ўша дум қурғур остида эса... Буёғини айтишга одам ийманиблар кетади...

Бошда айтган ваъдамизга вафо қилиб "ниначи" деган таърифни изоҳламоқчи эдик, фикримизча, ҳурматли газетхонга ҳаммаси тушунарли бўлиб қолди. Ниначининг минг чирангани нима билан якун топишини барча яхши билса керак...

Бахтиёр АБДУРАҲИМОВ

Бухоро вилояти

Бугунги кунда ўзбек спорти довруғининг дунёга юз тутишида маълум маънода юртимиз маҳаллаларида оммавий спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Негаки, айни пайтда нуфузли мусобақаларда қатнашиб, Ўзбекистон байроғини юксакка кўтаришга муваффақ бўлаётган моҳир спортчиларимиз ҳам қишлоқ ва маҳаллаларимизда ташкил этилган спорт клубларида, тўгаракларида дастлабки сабоқни, кўникма ва малакаларни эгаллаганлар.

ХБОСдан ЧИҚҚАН ЧЕМПИОНЛАР

Республика тоифасидаги ҳакам, моҳир спорт мураббийси Хайрулла Абдуллаев ҳам кўп йиллардан буён Олот тумани ёшлари учун ана шундай имкониятларни яратиб келмоқда. У туман марказидаги 20-сонли болалар ва ўсмирлар мактабида бош мураббий бўлиб ишлайди. Ўз навбатида маҳалла болаларини спортга кенг жалб қилиш мақсадида ўз ҳовлисида ихчам спорт зали қуриб, "Хайрулла—Баҳодир—Обид—Собир" (ХБОС) номи билан спорт клуби ташкил этган. Айни пайтда клубнинг 60 нафар ўғил болалар ҳамда 13 нафар қизлардан иборат аъзолари бор. Бу ерда ёшларга спортнинг дзюдо, миллий, белбоғли кураш турлари бўйича сабоқ берилади. Энг эътиборли жиҳати, ушбу клубда спорт сирларини пухта эгаллаб, катта муваффақиятларга эришаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, ўтган 3-4 йил мобайнида Х.Абдуллаев шогирдлари республика ҳамда жаҳон миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Жумладан, кейинги йилларда Дилшод Беков, Худойберди Мустоқовлар ўз вазни тоифаларида республика биринчилигини, Х.Мустоқов 2002 йилда Россияда кураш бўйича ўтказилган Жаҳон чемпионатида 3-ўринни эгаллаган бўлса, жорий йилда пойтахтимизда А.Оронов совринни учун ташкил этилган дзюдо мусобақаларида клубнинг 4 нафар аъзолари қатнашиб, улардан Д.Умаров 3-ўринни, О.Раҳматов 1-ўринни қўлга киритди.

Хайрула Абдуллаевнинг фарзанди Собиржон ҳам отаси изидан бориб, катта спортда қатор муваффақиятларга эришди. У дзюдо кураши бўйича уч марта Ўзбекистон биринчилигида совриндор бўлди.

— Бухоро — полвонлар юрти, — дейди Хайрулла ака. — Осиё ва Жаҳон чемпионлари Олимжон Ҳайитов, Фарҳод Тўраев, Камол Муродов, Ҳикмат Қуртов, Рамзиддин Саидов, Мансур Жумаевлар ҳам Олот туманида вояга етганлар. Айни пайтда бизнинг клубимизда тарбияланиб, моҳир курашчилар сифатида элга танилаётган ёшларимиз ҳам ана шу номдор курашчилар сафини бойитмоқда.

Хайрулла ака — камгап ва камсуқум одам. Бироқ хайрли ишларни бажаришга келганда унинг ташаббускорлик, ташкилотчилик борасидаги шижоатини кўриб ҳайрон қоласан киши. Айниқса, у кишининг саховатпешалиги кўпчилик тумандошларига ўрнак. Маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд инсонлар Х.Абдуллаевнинг меҳр-мурувватидан ниҳоятда миннатдор. Шу боис уни таниган-билганлар нафақат моҳир мураббий, қолаверса, ҳиммати баланд инсон сифатида ҳам эъзозлашади.

Бахтиёр ВОҲИДОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Олот тумани бўлинмаси раиси.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Сурхондарё вилояти

МУҲИТ СОҒЛОМ БЎЛСА — ИНСОН САЛОМАТ БЎЛАДИ

Бугунги кунда амалга оширилаётган катта ислоҳотлар замирида "инсон бахти учун" деган буюк ғоя-мақсад ётади. Айни пайтда юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларида Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан қабул қилинган давлат дастури асосида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Мухбиримизнинг Сурхондарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Комил АБДУВОҲИДОВ билан қилган суҳбати ҳам шу хусусда бўлди.

— Комил ака, инсонлар саломатлигини таъминлашнинг энг муҳим шартлари нимада деб ўйлайсиз?

— Биласизми, кўпчилик одамлар бу муаммонинг ечимини шифокорлардан излашади. Аслида, шифокорнинг энг биринчи вазифаси — касалликни аниқлаб, беморни даволаш. Хасталикка чалинишнинг олдини олиш, уни ҳаётимизда мавжуд бўлмаслигига эришиш учун нафақат шифокорлардан, балки ҳар бир кишидан масъуллик ва фаоллик талаб этилади. Шу маънода айтиш мумкинки, ҳар бир одам ўзи учун ўзи шифокор. Демак, биз одамлар саломатлигини таъминлаш учун дастлаб жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришимиз лозим.

Мамлакатимизда бугунги кун тиббиёти даражасига келсак, бу борадаги ислоҳотлар давом этмоқда.

Вилоятда даволаш-профилактика муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 358 млн. 100 минг сўм маблағ ажратилган. Жорий йилнинг 2-чорагида қаттиқ жиҳоз ва тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 96 млн. 448 минг сўм молиялаштириб берилди. Германиянинг Жаҳон KFW банки DOTS дастури асосида 2003 йилдан шу пайтгача вилоят сил касалликлар диспансерига рентген аппарати ва жарроҳлик асбоб-ускуналари тўпламлари келтирилди. Давлат бюджети ҳисобидан 2005 йилнинг 6 ойлиги давомида вилоят даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармон билан таъминлаш мақсадида 644 млн. 600 минг сўм маблағ ажратилган эди. Айни пайтда ушбу маблағлар тўлиқ молиялаштирилиб, зарур дори-дармонлар харид қилинди. Жорий йилда даволаш-профилактика муассасаларини капитал таъмирлаш мақсадида 502 млн. 900 минг сўм маблағ режалаштирилган.

Соғликни сақлаш тизимидаги объектларни таъмирлаш бўйича тасдиқланган ҳудудий дастурларга асосан вилоятда 9 та тез тиббий ёрдам станцияларини капитал таъмирлаш ишлари йил якунига қадар амалга оширилади. Уларнинг модий техника базасини мустаҳкамлаш учун ҳам зарурий ишлар олиб борилмоқда. "Сиҳат-саломатлик йили" дастурига асосан Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Термиз филиалида 125 ўринли ва барча туман марказий шифохоналари қошида 340 ўринли шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ташкил этилган. Ўз навбатида улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар, зарурий жиҳозлар билан таъминланди.

— Маълумки, тиббий хизматни замон талаблари даражасига етказиш учун уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг ўзи етарли бўлмайди. Бунинг учун ўз навбатида шу соҳада хизмат қилаётган шифокорларнинг, тиббиёт ходимларининг малакаси, билими ва тажрибаси ҳам юқори бўлиши керак. Шундай эмасми?

— Айни пайтда вилоятда 3900 нафар врач, 17644 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатади. Жорий йилда врачларнинг йиллик малака ошириш режаси 785 тани ташкил қилиб, ҳозирга қадар уларнинг аксарияти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Самарқанд врачлар малакасини ошириш факультетида мутахассисликлари бўйича малака оширдилар. Ўрта тиббиёт ходимларидан малака ошириб қайтганлар сони 766 нафарни ташкил этади. Шунингдек, "Здрав Плюс" лойиҳаси бўйича 20 та врач умумий амалиёт мутахассислиги бўйича ўқитилди. Айни кунда ҳам ушбу лойиҳа асосида яна 25 нафар шифокорлар Бухоро шаҳрида умумий амалиёт врачи мутахассислиги бўйича қайта ўқитилмоқда.

— Мамлакатимизда соғлом ҳаётни, соғлом муҳитни шакллантириш учун тиббиёт ходимлари, тиббий муассасалар ўртасида соғлом рақобат ҳам бўлиши керак, назаримда. Бу борада вилоятда қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якуни маълумотларига кўра, вилоятда фаолият кўрсатаётган нодавлат тиббиёт муассасалари сони 59 та. Шу билан бирга Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил режасига асосан 2005-2006 йиллар давомида вилоятда 9 та тиббий муассаса давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштириш режасига киритилган. Улардан 4 таси жорий йилда хусусийлаштирилади.

Вилоятда якка тартибда врачлик фаолияти билан шуғулланиш учун 232 та шифокор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан махсус рухсатнома олган бўлиб, шундан 181 нафарининг махсус рухсатнома муддати тугаган. 51 нафари эса фаолият кўрсатмоқда.

Айтиш жоизки, бугун бизнинг энг асосий мақсадимиз жамиятда соғлом муҳитни яратиш, одамлар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш экан, бунинг учун энг аввало, инсонлар орасида кенг тарқалган касаллик — бепарволик ва лоқайдликка барҳам беришимиз даркор.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.



Хоразм вилояти

УМИДнинг ЁРҚИН ШУЪЛАСИ

Урганч шаҳридаги Умид маҳалласида ёш авлод камолотига етарли эътибор қаратилган. Вилоят ИИББга қарашли "Динамо" спорт мажмуасининг маҳалла ҳудудида жойлашганлиги бу ерлик ёшларнинг спорт турлари билан шуғулланишлари учун қулай имконият туғдирмоқда. Қолаверса, фуқаролар — Нилуфар Отажонова ва Бахтигул Қурбонова маҳалла хотин-қизларига тикувчилик ҳунаридан пухта сабоқ бериб келишяпти.

СУРАТЛАРДА: *маҳалла оқсоқоли Ҳабибулла Ситметов (ўртада) фуқаролар йиғини котибаси Қурбонжон Тоғонова ҳамда маҳалла профилактика катта инспектори, майор Шуҳрат Жуманазаров билан;*
чеварлар Н.Отажонова (ўнгда) ва Б.Қурбонова иш жараёнида.

Ф.МУҲАММАДИЕВ олган суратлар

Олам турфа

НУР ТАРҚАТУВЧИ КАЛЬМАР

Магеллан бўғози акваториясида патруллик қилаётган "Ведадо" соқчилик кемасида тўсатдан радиостанция ишламай қолди, двигател тўла қувват билан ишлаётган бўлсада, кема тезлиги тўсатдан секинлашди. Соқчи кема қуйруғига қандайдир қора малюска ёпишиб чиқаётганини сезиб қолди.

Тревога бўйича кўтарилган экипаж бу — улкан кальмар эканлигини аниқлади. Отилган ўқлар унга таъсир қилмасди. Кема қуйруғига қараб йўналтирилган ёниб турган ёқилғи туфайлигина кальмар кемадан тушиб кетган. Бу пайтда кема радиостанцияси ишламасди. Тахмин қилинишича, кальмар танасидан тарқалган нур радиодеталларни ишдан чиқарган экан.

БОТИНКА САРГУЗАШТИ

Дунай дарёсида чўкиб кетган кемада сув ости ишлари олиб бораётган ғаввос Василье Виштяну кимдир оёғидан ушлаб тортаётганини сезиб қолди.

Жуда бўлавермагач, у охирги дақиқаларда ёнидаги пичоқ билан ботинкаси ипларини кесиб юборди ва озод бўлди. Орадан бир неча кун ўтгач, маҳаллий балиқчилар Дунай дарёсидан оғирлиги 100 килолик балиқ ушлашган. Буни қарангки, унинг ичидан ғаввоснинг ботинкаси чиққан. Агар лаққа балиқ тўрга тушмаганда, Васильенинг гапига ҳеч ким ишонмасди. Чунки ғаввоснинг ботинкаси 12 кило бўлиб, у тери, қўрғошин ва жездан тайёрланганди.

Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига

ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ

Дунё миқёсида ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши ва саноатнинг мунтазам ривожланиши глобал экологик муаммоларни келтириб чиқараётгани сир эмас.

Атроф-муҳитнинг кескин ёмонлашуви мутахассис олимлар олдига бир қатор муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Носоғлом экологик вазиятни бартараф этмасдан туриб тиббиётга қанча кўп маблағ сарфланмасин, кишиларнинг касалликка чалиниш ҳолатларини камайтириш борасида жуда катта ютуқларни қўлга киритиш амри маҳол. Бундан қарийиб минг йил аввал яшаган буюк ватандошимиз, қомусий олим Абу Али ибн Синонинг (980-1037 йиллар) ҳозирда экология деб юритилаётган атроф-муҳитнинг деярли барча омиллари, уларга инсоннинг, жонзотларнинг таъсири, ўз навбатида, бу омилларнинг инсон ва жонзотларга акс таъсири тўғрисидаги машҳур хулосалари бор.

Буюк олим «Чанг бўлмаганда инсон минг йил яшаган бўлур эди» дейди. «Тиб қонунлари»нинг 1-жилдида атроф-муҳит мусаффолиги билан боғлиқ яна бир қимматли фикр учрайди: «Ҳаво токи мувозанатланган ва тоза бўлса, унга (пневмага) бегона қўшимчалар қўшилмаса, у саломатлик гарови бўлади, акс ҳолда турли касалликларга сабаб бўлади».

Инсоннинг доимий яшаш жойи унинг саломатлигига жиддий таъсир этадиган омиллардандир. Бу хусусида «Тиб қонунлари»да аллома мана бундай мулоҳазаларини баён қилади: «Турар-жой танага турлича таъсир қилиши мумкин: баланд ёки паст жойлиги, тупроқ таркиби, хусусияти, сувнинг сероблиги ёки камёблиги, дарахтларнинг мўллиги, қабристон ёки конларга яқинлиги ва бошқалар яшаш жойи танланганда муҳим аҳамиятга эга». Бевосита атроф-муҳит билан боғлиқ мазкур фикрлар ҳеч шубҳасиз тиббий экологияга тегишлидир. Шу боис экология дея ном берилган илмлар мажмуасини Ибн Сино номи билан боғлаш адолатдан бўлур эди.

Ибн Сино экологик омилларни инсонга ижобий ва салбий таъсири ва салбий таъсирларидан ҳимояланиш тадбирларини, ўз навбатида, инсоннинг «унсурларга таъсирини» аниқ ва асосли тарзда кўрсатиб берган.

Бундай тадбирлар Ибн Сино тарафидан шу қадар мукаммал келтирилганки, улардан экологик профилактика стратегияси сифатида фойдаланишимиз мумкин. Ҳатто, киши юзининг ранг-туси ўзгаришида ҳам экологик салбий таъсир мавжуд.

Тиббиётда экологик таълимни жорий қилишда Ибн Сино таълимотини асос қилиб олиш, уни замонавий нуқтаи-назардан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда кўкаламзорлаштириш мақсадида ўлка флорасига мансуб бўлмаган баъзи манзарали дарахтларнинг кўплаб экилиши касалликлар экогенези маъносида у қадар фойдали бўлмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, чангланиш юқори бўлган бизнинг ўлка шароитида уларнинг инсонга патоген, шу жумладан, аллерген таъсирини унутмаслигимиз керак. Ибн Сино эътироф қилганидек, турар жойлар учун ажратилган ерлар ландшафтига, уларнинг ҳолатига, шаҳарсозлик йўналишларига ҳам ҳозирда экологик омил сифатида ёндашиш зарур.

Маълумки, Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида инсон ва унинг насли соғлиғи ва касалликларга оид бўлган билимларни мантиқий тартибда тўла баён этган. Бунда соғлом инсон ва соғлом авлодга дахлдор бўлган соғлиқни сақлаш, турмуш гигиенаси, тўғри овқатланиш масалаларига Ибн Сино катта аҳамият беради. Унинг бу соҳадаги йўл-йўриқлари ҳозирга қадар ўз қийматини йўқотмаган. Ана шундай умрбоқий қарашлар экологик таълим асосини ташкил қилиши лозим.

Экологик нуқтаи назардан иқлим омиллари, ҳудудий омиллар гигиенаси концепцияси ҳам бугунги кунга қадар конкретлаштирилмаганлиги маълум. Бу ўринда ҳам улуғ аждодимиз яратган сафар қилувчиларга, умуман кишиларга иқлимнинг салбий таъсирларидан сақланиш тадбирлари мажмуаси асос қилиб олиниши мумкин.

Экологик сабаблар юзага келтирадиган касалликлар мавжудлиги ва улар кўпайиб бориши XIX асрдан маълум бўла бошлади. Бу борада ҳам Ибн Синонинг касалликлар назарияси тадқиқ ва талқинга муҳтож. Унда моҳияти жиҳатидан экологик касалликлар — ўлка касалликлари алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бу эса айни йўналиш бўйича таълимга эътибор қаратишга, изланишлар олиб боришга молик манбаадир.

Аллома касалликларни даволашнинг умумий усулларига батафсил тўхталиб, ҳатто, экологик шифо — ҳаво алмаштириш билан даволашга алоҳида аҳамият берган. Буюк мутафаккирнинг экологик тоза маҳсулот ва ўсимликлардан фойдаланиш, доривор гиёҳларни маъданларга бой жойдан олиш, кенг тоғ ён бағирларидан излаш, ҳатто она сутининг мусаффо бўлишига, яъни унинг экологик нуқтаи-назардан тозалигига аҳамият бериш лозимлигини уқтирганлиги замонавий гомеопатик даволашга асос бўлмаганмикан деган мулоҳазага боришга ундайди кишини.

Хуллас, Ибн Синонинг барҳаёт таълимотини экологик нуқтаи-назардан ўрганиш бу борадаги таълим ва саводхонликни йўлга қўйишга асос бўлади, илм оламида янгидан-янги уфқларни очиш имконини беради.

Машкура РИЗАМУҲАМЕДОВА,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!
Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Очил Тоҳирнинг "Қарз", "Соғинч соҳили" номли шеърий китоблари нашр этилган. Айни кунда у Ўзтелерадиокомпаниясининг "Келажак" студиясида меҳнат қилмоқда.

КЕТМАСИН...

Ҳар лаҳзаи дам ғанимат, биздан имкон кетмасин,
Ханжари тил тиғи паррон бевақт инсон кетмасин.

Беш кун аталмиш чархи дун умримизга имтиҳон,
Алданиб вақти шамолга дилда армон кетмасин.

Кўнглига яқин олиб дўсти-ёрон ташриф этар,
Қош қабоқ уйманг сира, оғриниб меҳмон кетмасин.

То ҳаётмиз бу жаҳонда нолимоққа йўқ ўрин,
Бебаҳо неъмат тириклик биздан даврон кетмасин.

Кўкда юрсак ҳам бироқ қайтар жойимиз шу замин,
Берилиб кибру ҳавога кўнгил осмон кетмасин.

Ювилган кир каби кетсин дилдан хусумат-гиналар,
Умримизга зебу зийнат дилдан иймон кетмасин.

Рости гап, панду насиҳатдан Очил ўзингни тий,
Сўзласанг тегсин нишонга, сўзинг хусрон кетмасин.*

**хусрон — янглиш, хато.*

СОЧИНГ САНАМ

Чин ошиқдай оёғингга бош қўяр сочинг, санам,
Бахти кулган бир йигит силаб, суяр сочинг, санам.

Ул узун сочларга етмас — калтадир дастим менинг,
Шул сабабдин ўртаниб жоним куяр, сочинг санам.

Оҳ сочинг савдоси тушмиш қанча бошларга бугун,
Толаси тиру камон, бағрим ўяр, сочинг санам.

Кимки ишқ йўлига кирди истаб ёрнинг васлини,
Ханжари жаллод бўлиб қонга бўяр, сочинг санам.

Кўнглимнинг сир-асрорини сенга изҳор айласам,
Ел билан уйнаб, сирим элга ёяр, сочинг санам.

Очилнинг ё кўнглин олгин ёки ўлдиргин уни,
Икковидан ҳам жоним роҳат туяр, сочинг санам.

Очил ТОҲИР

Ўлкамиз тарихи

"ТУРКИСТОН АЛЬБОМИ"ДА...

Ўзбекистон Республикаси миллий кутубхонасининг нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган қўлёзма асарлар, ноёб манбалар, ҳужжатлар, китоблар, тарихий фоторасмлар, турли тарихий хариталар, кўплаб тадқиқотчилару олимлар эътиборини ўзига тортадиган халқаро тарихий ва илмий аҳамиятга молик бўлган 594 жилддан иборат "Туркистон тўплами" асрлар давомида эҳтиёткорлик билан сақланиб келинмоқда.

Уларнинг ичида энг ноёби ва қимматлиси, бу — "Туркистон альбоми"дир. Ўрта Осиё, жумладан юртимиз ерларидаги бепоён саҳролардан тортиб, гуллаб-яшнаётган оромбахш водийлар, сеҳрли тоғ дарёлари, бу ерларда яшовчи маҳаллий халқлар ҳаёти ҳамда уларнинг қадимий маданияти, моддий ва маънавий турмуши қай даражада эканлигини мана шу фотоҳужжатларда, рангли расмларда — "Туркистон альбоми"да аниқ кўриш мумкин. Ушбу альбомни тайёрлашдан олдин XIX асрнинг 60-70 йилларида маҳаллий ҳаваскор ўлкашунос, қадимшунослар, хаттот ва рассомлар билан бирга илғор фикрли айрим рус шарқшунос ва элшунослари юртимиздаги қадимий жойлар, тарихий обидалар, ерли халқнинг турмуш тарзи, касб-ҳунари, хўжалигини синчиклаб ўрганиб, тарихий буюмлар, осориатиқалар, ёдгорликлар, ҳунармандлик дастгоҳлари, буюмлари, уй-рўзғор, хўжаликда, дала меҳнатида умуман тирикчилик учун зарур бўлган буюмлардан намуналар ва уларнинг чизма рангли расмлари, фотосуратларини олишгач, шулар асосида альбом тузишга киришилган.

Ушбу альбом 1871-1872 йилларда шарқшунос олим Александр Кун (1840-1888 й.й) раҳбарлигида тайёрланган. Бу альбом ўзининг тузилиши жиҳатидан 447 та картонли варақдан иборат бўлиб, унга 1262 та турли фотосуратлар ва рангли расмлар жойлаштирилган. Қадимшунослик, элшунослик, ҳунармандчилик ва тарих бўлимларини ўз ичига олган бу мажмуа — альбом XIX асрнинг иккинчи ярмида халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, турли маросимларни ўтказиш, хўжалик ва қишлоқ ҳаёти, водийларнинг манзаралари, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ тарихи билан яқиндан таништиради. Ушбу тарихий ноёб альбомда халқимизнинг миллий санъати, турли ўйин-томошалари, миллий кийим-кечаклар, мусиқа асбоблари, ҳунармандлар тайёрлаган турли хил буюмлар ҳам ўз ифодасини топган.

Юқорида айтиб ўтилган суратларда этнография (элшунослик)га доир жуда кўп нарсаларни аниқлаш мумкин. Бу материаллар, расмлар турли соҳалар бўйича илмий изланишлар олиб бораётган олимлар учун зарур ва муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

"Туркистон альбоми"да айниқса Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкент каби тарихий шаҳарларда яшовчи аҳолининг турмуш кўринишлари, этник тузилишлари, кийим-кечаклари, уй-рўзғор ашёлари, диний ва миллий удумлари, тўй ва дафн маросимлари, турли хил халқ сайиллари ва байрамлари, моддий, маданияти, касб-ҳунар, тирикчилик учун зарур бўлган буюмларга доир кўплаб расмлар берилган. Шунингдек, ушбу альбомда қадимий шаҳарлардаги тарихий-меъморий обидалар — масжид, мадраса, мақбара, карвонсарой, шаҳарларнинг мудофаа девори қолдиқлари ва дарвозалари, сувсиз саҳролардаги сардобалар, бир замонлар гуллаб-яшнаган, ривожланган, кейинчалик турли сабабларга кўра вайрон бўлиб харобага айланган Сарой, Ўрда, Қалъа, қолдиқлари ҳам ўз ўрнини топган.

Альбомнинг касб-ҳунар, тирикчилик воситаларига бағишланган қисмида биз XIX асрнинг иккинчи ярмида пахтани қайта ишлаб чиқариш, ундан тайёрланган буюмлар, ип йигириш, бўяш, оддий дастгоҳда гилам, мато тўқиш каби жараёнларни кўрамиз. Шунингдек, альбомдаги расмлар орасида кундалик турмушнинг айнан ўзидан олинган "Чархчи иш устида", "Отни тақалаш", "Чойхоналардаги гурунг", "Сартарошхонада", "Мисгар ва Заргар ўз дўконида", "Сопол буюмлар дўконида савдо", "Темирчилик устахонаси", "Этикдўз ва этик" мавзуларидаги бебаҳо суратларни кўрамиз. Хуллас, халқимизнинг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги қайноқ ҳаёти, турмуш тарзи, меҳнати, ижоди, ҳунарини ўрганишда бу нодир тарихий расм, тасвирлар муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

"Туркистон альбоми"да Самарқанднинг машҳур тарихий-меъморий обидаларига ҳам кенг ўрин берилган. Бунда Самарқанд қалъаси ва унинг ичида 1371-1372 йилларда соҳибқирон Амир Темур томонидан ўша даврнинг обрўли кишиларидан бири бўлган Сўфий Нуриддин Басир учун тикланган мақбара, Шоҳизинда мажмуасидаги мақбаралар, Гўри Амир мақбараси, Нодир Девонбеги мадрасаси, Регистон майдонидаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари, Шайбонийхон даҳмаси, ёзувчи қабр тошлари, Ҳазрати Хизр масжиди, Бибихоним мадрасаси, ишратхона, Хожа Аҳрор масжиди, Руҳобод, Маҳдуми Аъзамнинг Даҳбеддаги тарихий обидалари ва бошқа бинолар тасвирланган.

Ушбу альбомда Тошкентнинг қадимий тарихий обидалари — Хожа Аҳрор масжиди ва мадрасаси, Кўкалдош, Бароқхон, Бекларбеги мадрасалари, Шайх Зайниддин бобо, Шайх Ховандн Тоҳур, Имом Қаффол Шоший, Юнусхон мақбаралари, Кўкмасжид ва Хотинмасжиднинг тасвирий расмлари берилган. Яна бу ерда Тошкентнинг XIX асрдаги қўрғони, вайрона хароба ҳолдаги карвонсарой, нураган, харобага айланган айрим масжид ва мадрасалар, катта ҳудудни эгаллаган. Мингўрикдаги савдо иншоотлари — ярмарка учун махсус қурилган кўплаб бинолар ва ундаги савдо жараёнлари тасвирланганки, биз бу суратлар орқали биноларнинг қурилиш услуби, тузилиши, безаги, шунингдек, бино қандай мақсадларда фойдаланилганлигини ҳамда уларнинг бизгача қай даражада сақланиб қолганлигини билиб олишимиз мумкин. Туркистон альбомидаги тарихий суратлар орасида Тошкентнинг эски шаҳар қисмини характерлайдиган турли тарихий ва этнографик манзаралар айниқса диққатга сазовордир. Ушбу альбомнинг тўртинчи этнография бўлимида ерли (маҳаллий) аҳолининг кийим-кечаги, кундалик турмуши, уй-рўзғор буюмлари, ҳовли, уй бинолларининг тасвири, турли маросимларни ўтказиш, шаҳар ва қишлоқ манзаралари акс эттирилган.

Хулоса қилиб айтганда XIX асрнинг иккинчи ярми Туркистон ўлкасининг археология, этнография, касб-ҳунар ва тарихига доир суратли альбоми нодир асар бўлиб, ҳозиргача ўзининг тарихий, бадиий ва илмий аҳамиятини йўқотмаган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЬБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда ҳаётингизда муҳим ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Харидларингизни тартибга солиш сиз учун фойдалидир.

СИГИР(22.04-20.05)
Сиз учун яхши имкониятларга эга бўлган таклифлар тушиши мумкин. Аммо бирор қарорга келишдан аввал ўйлаб кўринг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Айни кунларда ўз салоҳиятингизни намоён қилишингизга тўғри келади. Бошлаган ишларингизни тугаллаб қўйишни унутманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ишхонангизда юзага келадиган майда муаммоларга эътибор берманг. Айни кунларда ҳаётдаги мақсадларингизни англаб етишингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Молиявий масалалар ечимида таваккал қилмаганингиз маъқул. Шу кунларда яқин кишиларингизга эътиборлироқ бўлинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Турли вазиятларда яхшилаб ўйлаб иш кўриш сиз учун фойдалидир. Сизни ҳурмат қилган кишилар қадрига етишни унутманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Айни кунларда молиявий масалаларни муҳокама қилиш уларни мураккаблашишига олиб келади. Оилангиз билан маслаҳатлашинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Сизнинг тинчингизни бузиб, режаларингиз амалга ошишида халақит бераётган тўсиқлар айни кунларда бартараф бўлади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда оиладаги вазиятни ўз қўлингизга олишингизга тўғри келади. Қарорларни виждон билан қабул қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Айни кунларда юзага келадиган воқеалар турли кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Уларни оилангиз билан ҳал этинг.

КОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда ютуғингиз ўзингизга бўлган талабчанлигингизда эканлигини англаб етасиз. Режаларингизни амалга оширишингиз мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Айни пайтда юзага келадиган вазиятлар обрўингизни оширади. Янги танишувлар кўпгина муаммолар ечимида қўл келиши мумкин.

Диққат: "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" бошланди!

ЁНҒИНГА ҚАРШИ КУРАШДА ФАОЛ БЎЛАЙЛИК!

Давлат ва жамоат мулкини ёнғинлардан асраш ҳамма вақт ва ҳар бир давр ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келган. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида яратилган барча иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги, умуман халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларидаги моддий ва маънавий бойликларни ёнғин офатларидан асраш ва муҳофаза этишнинг энг муқобил ва самарали воситалари ишлаб чиқилган. Жумладан, ҳар йили "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилиши анъанага айланган.

Мазкур тадбир бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 ноябрдаги 493-сонли Фармойишига асосан 15 ноябрдан 15 декабрга қадар ўтказилади. Унга кенг оммани жалб этиш, давлат ва жамоат жойларида, маҳаллалар ва қишлоқ фуқаролик йиғинларида, ишлаб чиқариш ва ўқув юртларида ёнғинларнинг олдини олиш билан бевосита боғлиқ бўлган тадбирларни ўтказиб бориш кўзда тутилган.

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"да корхона ва ташкилотлар, хўжалик ва муассасаларда, айниқса, аҳоли яшаш жойларида, хонадонларда ёнғинларнинг олдини олишга, унга сабаб бўлувчи носоз техник воситалар, иситиш тармоқлари ва электр мосламаларидан фойдаланишдаги ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга эътибор кучайтирилади. Фуқароларнинг бевосита иштирокида жойлардаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга, кузги-қишки мавсумни ёнғинларсиз ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солишга алоҳида аҳамият берилади. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини аҳолига тушунтириш ишларини эътибор кучайтирган ҳолда, ёнғинлар келиб чиқишига сабабчи бўлган шахслар ва омилларга нисбатан кескин чоралар кўриш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки, йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида содир бўлган ёнғинларнинг 76,5 фоизи турар жойларда фуқароларнинг лоқайд ва эътиборсизлиги, амалдаги қоидаларга риоя қилмасликлари оқибатида вужудга келган.

Ўтган йиллардаги сингари бу йил ҳам "Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда алоҳида жонбозлик кўрсатиб, ўз корхоналарида юқори даражада хавфсизлик таъминланган ўта муҳим ва тоифаланган масканлар", "Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда намунали бўлган халқ хўжалиги маскани", шунингдек, "Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда намунали бўлган маҳалла, гузар ёки мавзе" йўналишларида танловлар ўтказилади ва унда ғолибларга турли қимматбаҳо совринлар топширилади.

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" миллионлаб кишиларнинг ҳаётини, уй-жойларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларини, барча иншоотлар ва масканларни, бир сўз билан айтганда халқимиз мулкини ёнғин офатидан муҳофаза этишга қаратилган. Шундай экан, бу хайрли тадбирда барча юртдошларимизни фаол иштирок этишга чорлаймиз.

Даврон ҚАМБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ капитани.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета/журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)
(нашр номи) Комплектлар сони
йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ
п.в. жойи 148
Mahalla (нашр кўрсаткичи)
(нашр номи)
Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони
_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

ЭЪЛОНЛАР...

ЧИФ "ШЫМКЕНТПИВО—UZK" расположенная по адресу г.Ташкент ул. Мукими 23, сообщает о намерении приобретения простых акций нижеследующих предприятий:

АООТ "USKUNAQURUVCHI" Таш.обл., расположенного по адресу Ташкентская область Зангиатинский р-н, п/о Урта-Аул-1, в количестве 42 101 штук, что составляет 25,00% от уставного фонда.

"ZAMIN, POYDEVORLAR VA YER OSTI INSH. ILMIY-TADQIQOT L.T.I.", расположенного по адресу г.Ташкент ул. Ниязова 17, в количестве 3 999 штук, что составляет 90,01% от уставного фонда.

"Taxtapul-non" ОАЖ. г.Ташкент, расположенного по адресу г.Ташкент ул. С.Косимова 19, в количестве 36 129 штук, что составляет 75,27% от уставного фонда.

"Toshkent tennis markazi" OAJ г.Ташкент, расположенного по адресу, г.Ташкент, м-в Ялангач, теннисный стадион, в количестве 383 638 штук, что составляет 26,00% от уставного фонда.

"Карбонам" АЖ Наманган вил., расположенного по адресу, г.Наманган, ул. А.Хужаева, 38, в количестве 59759 штук, что составляет 54,97% от уставного фонда.

Тошкент Электротехника университети томонидан Атамухамедов Равшан Махамадназимович номига 2001 йил 12 декабрда берилган 512111 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ СУЗИШ ҲАВЗАЛАРИ;
☑ АКВАПАРКЛАР
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй. Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

ESENYA
Bau- und Handelsvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
DUNDAS CATALOGUE

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7028 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-122 Топширилди — 12345